

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида)

2026 йил январь ойининг 27 кунда, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очик суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи Ж.Ботиров, суд мажлиси котиби Д.Тўхтаев, Жомбой туман прокурори ёрдамчиси О.Хасанов, Жомбой туман ИИБ ПГ катта инспектори С.Сафаров ва маҳкума Д.Хужакулованинг иштирокида, Жомбой туман ИИБ бошлиғи томонидан киритилган маҳкума Д.Хужакуловани Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73–моддаси 3–қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини иш ҳужжатлари билан биргаликда кўрди.

ХУЖАКУЛОВА ДИЛФУЗА ТУРАКУЛОВНА – 1980 йил 13 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, соғлом, маълумоти ўрта, оиласидан ажирашган уч нафар фарзандлари бор, муқаддам; жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2025 йил 27 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109–моддаси 1–қисми билан, хар ойлик иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 5 ой 2 кун муддатини ўтаган, ўталмай қолган жазо муддати 6 ой 28 кунни ташкил қилади, Жомбой туманидаги “Dostonbek IT Academy” МЧЖда ишлаб жазо муддатини ўтаб келмоқда, Жомбой тумани, Гулистон маҳалласида яшайди.

Суд, очик суд мажлисида томонларнинг фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и:

Жомбой туман ИИБ бошлиғи судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, тақдимномада маҳкума Хужакулова Дилфуза Туракуловнага жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2025 йил 27 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109–моддаси 1–қисми билан, хар ойлик иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги, суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 5 ой 2 кун муддатини ўтаганлиги, ўталмай қолган жазо муддати 6 ой 28 кунни ташкил қилади, Жомбой туманидаги “Dostonbek IT Academy” МЧЖда ишлаб жазо муддатини ўтаб келаётганлиги, маҳкума Д.Хужакулова жазони ўташ даврида жазони ўташ тартиб қоидаларига қатъий риоя этиб келганлигини, содир этган жиноятини оқибатини англаб етганлигини, ижобий тавсифланишини инобатга олиб, унинг ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш сўралган.

Судда сўралган Д.Хужакулова ўз кўрсатувида, суднинг ҳукмига кўра тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ давомида жазони ўташ тартиб қоидаларига қатъий риоя этганлигини, содир этган жиноятини оқибатини



англаб етганлигини, келгусида такроран жиноятга қўл урмаслигига ваъда беришини, шу сабабли унинг ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўради.

Суд, маҳкума Д.Хужакулованинг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги, прокурор ёрдамчиси О.Хасанов ва Жомбой туман ИИБ ПГ катта инспектори С.Сафаровнинг Жомбой туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини эшитиб, қўйидаги асосларга кўра Жомбой туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73–моддаси 3–қисми “а” бандида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Шу сабабли, суд маҳкума Д.Хужакулова суд томонидан белгиланган жазо муддати давомида ўрнатилган тартиб–қоида талабларини бажариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини, суд томонидан тайинлаган жазо муддатини ҳақиқатда учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини инобатга олиб, унинг ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишликни, шунингдек Д.Хужакуловага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73–моддаси 5–қисмида кўрсатилган мажбуриятларни юклмасликни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, суд маҳкума Д.Хужакуловага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73–моддаси 10–қисмига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда ЖКнинг 60–моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришликни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536–моддаларига асосан,

а ж р и м қ и л а д и:

Жомбой туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Хужакулова Дилфуза Туракуловна жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2025 йил 27 майдаги ҳукмига кўра хар ойлик иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган 6 ой 28 кун муддатидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73–моддаси 3–қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод этилсин.

Ажрим ижросини таъминлаш Жомбой туман ИИБ Пробацяя гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73–моддаси 10–қисмига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда ЖКнинг -моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши пунтирилсин.



Ажрим ўқиб эшиттирилган пайдан эътиборан қонуний кучга кирган деб ҳисоблансин.

Ажримдан норози томонлар ушбу суд орқали Самарқанд вилоят судига кассация тартибида хусусий шикоят ва прокурор хусусий протест беришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

Ж.Ботиров

Ҳужжат имзоланган: Ботиров Жамшид Хайриддинович, 27.01.2026

